

Илова

“Uzbekistan Airways” АЖ
Ягона акциядорининг
2022 йил “20” майдаги
2-сон қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“UZBEKISTAN AIRWAYS”
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ
БОШҚАРУВИ ТҮҒРИСИДАГИ
НИЗОМ**

Тошкент – 2022

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига (бундан кейин Қонун)(бунда ушбу қонунга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар инобатга олинади), янги таҳрирдаги Корпоратив бошқарув кодексининг тавсияларига, бошқа қонун хужжатларига ва “Uzbekistan Airways” акциядорлик жамиятининг (бундан кейин Жамият) Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низом Жамият Бошқарувининг мақомини ва ишини, унинг аъзоларини тайинлаш тартибини, шунингдек ҳар бир аъзонинг хуқуқлари ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.3. Бошқарув Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқаради ва Жамиятнинг бошқарув органи ҳисобланади.

1.4. Бошқарув Жамиятнинг кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисбот беради.

II. БОШҚАРУВ ВА БОШҚАРУВ РАЙСИННИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

2.1. Жамият Бошқарувининг ваколатига акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг мутлақ ваколатига кирадиган масалардан ташқари Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш, бундан ташқари, Жамиятнинг жорий фаолиятини бошқариш билан боғлиқ масалалар киради.

2.2. Бошқарув акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлайди.

2.3. Бошқарув ваколатлари:

- ушбу Низомда кўзда тутилган Жамиятнинг жорий ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил қилиш;
- амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган маълумотларни олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида қатнашиш ва дивидендлар тўлаш бўйича акциядорларнинг барча хуқуқларига риоя этилишини таъминлаш;
- қонун хужжатларида ва Жамиятнинг ички меъёрий хужжатларида белгиланган тартибда Жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағларини бошқариш;
- Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисботларининг тўғри юритилиши ва ишончлилигини, йиллик ҳисботларни ва бошқа молиявий ҳисботларнинг тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек Жамиятнинг фаолияти тўғрисида акциядорлар, кредиторлар ва бошқа шахсларга Жамиятнинг расмий веб-сайтида ва оммавий ахборот воситаларида тақдим этилишини таъминлаш;
- тегишли давлат органларига давлат статистика ҳисботларини тақдим этишнинг тўлиқлиги ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;
- штатларни тасдиқлаш, уларнинг малакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминлаш;
- Жамият таркибига кирадиган бўлимлар, хизматлар, таркибий бўлинмалар, филиаллар, ваколатхоналар ва корхоналарнинг уставлари ва Низомларини тасдиқлаш;

- ходимларга бонуслар тўлаш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш, иш ҳақи, уларга бериладиган нафақалар, ҳар хил қўшимча тўловларни белгилаш, Жамият ходимларини рафбатлантириш ва Жамият ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида имтиёзлар ва компенсация тўловларини белгилаш;

- қонун хужжатларига мувофиқ Жамиятнинг жорий фаолиятига оид бошқа масалаларни кўриб чиқиш.

Акциядорларнинг жавобгарлигини ҳимоя қилиш мақсадида Бошқарув аъзолари Жамиятнинг бизнес хавфлари ва Бошқарувнинг жавобгарлигини суғурта қилиш хуқуқига эгадирлар.

2.4. Бошқарув Жамият фаолиятининг барча масалаларини мустақил равишда ҳал қиласи, акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Жамиятнинг кузатув кенгаши ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно.

2.5. Бошқарув раисининг ваколатлари:

- Жамият номидан шартномалар, контрактлар ва бошқа битимларни имзолаш;
- Жамият номидан ишончнома бериш;
- Жамият номига Ўзбекистон Республикасининг банкларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамларини очиш, молиявий хужжатлар ва Жамиятнинг ҳисботларини имзолаш;
- ходимлар билан меҳнат шартномалари (контрактлар) тузиш ва уларни тўхтатиш (бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Раис ўринбосарлари ва Бошқарув аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлаш, Жамият фаолияти билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда уларнинг ваколатларини белгилаш;
- Жамият филиаллари ва ваколатхоналари раҳбарларини тайинлаш;
- ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича Жамиятнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, кўрсатмалар, фармойишлар чиқариш, йўриқномалар ва бошқа хужжатларни тасдиқлаш;
- ишчилар томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя қилинишини таъминлаш;
- амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ Жамият ходимларига интизомий чоралар кўриш;
- қонунда кўзда тутилган Жамият фаолиятининг бошқа масалаларини ҳал қилиш.

2.6. Бошқарув Раиси ҳар чоракда Жамиятнинг кузатув кенгашига Жамиятнинг йиллик бизнес-режасининг бажарилиши тўғрисида ҳисбот беради.

2.7. Бошқарув Раиси акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида молиявий йил якунлари бўйича Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида ҳисбот беради.

2.8. Жамиятнинг инвестиция сиёсатини самарали амалга ошириш учун Бошқарув, Жамият номидан, Устав фондида улуши бўлган корхоналарни бошқариш органларида, "Устав фондида акциядорлик жамиятининг ҳиссаси бўлган корхоналарнинг бошқарув органларида Акциядорлик Жамияти номидан ўз вакилларининг овоз бериш тартиби" га мувофиқ овоз беради.

III. БОШҚАРУВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 3.1. Жамиятнинг Бошқаруви ўз Уставига мувофиқ 7 кишидан иборат бўлади.
- 3.2. Бошқарувнинг миқдорий таркиби битта ходим томонидан бошқариладиган функцияларни максимал даражада бажарилиши, бошқарув ходимларининг қисқариши, Жамиятни бошқаришдаги такрорий алоқаларни йўқ қилиш ва бошқарув харажатларини қисқартириш тамойиллари асосида белгиланади.
- 3.3. Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан Жамиятнинг кузатув кенгаши қарори билан амалга оширилади.
- 3.4. Бошқарув раиси ва аъзоларини тайинлаш танлов асосида ўтказилиши мумкин, бунда хорижий менежерлар қатнашиши мумкин.
- 3.5. Бошқарув таркибига қўйидагилар киради:
 - Бошқарув раиси;
 - Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича биринчи ўринbosари;
 - Бошқарув раисининг транформация масалалари бўйиса биринчи ўринbosари;
 - Бошқарув раисининг тижорат ва туризм бўйича ўринbosари;
 - Бошқарув раисининг парвоз ишларини ташкил этиш бўйича ўринbosари;
 - Бошқарув раисининг молиявий масалалар бўйича ўринbosари;
 - Бошқарув раисининг рақамлаштириш масалалари бўйича ўринbosари.
- 3.6. Акциядорлар вакиллари сифатида ишлайдиган Ижроия органининг аъзолари ижро этувчи орган аъзоларини сайлашда овоз беришга ҳақли эмас.
- 3.7. Бошқарув раиси Жамият фаолиятидаги ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришга қўйиладиган талаблар муносабати билан бошқарув таркибига қўшимча номзодлар бўйича таклифлар киритиш хукуқига эга.
- 3.8. Жамиятнинг кузатув кенгаши Бошқарув раиси лавозимига номзодларни кўриб чиқади ва номзодларни акциядорларнинг умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун тақдим этади. Бошқарув раиси ва Жамиятнинг бошқарув аъзолари лавозимига номзодларни жиноий жавобгарликка тортиш фактлари тўғрисида Жамиятга маълум қилишлари керак.
- 3.9. Бошқарув аъзолигига номзодлар ўзларининг номзодларини кўриб чиқиша акциядорларнинг умумий йиғилишида ёки кузатув кенгаши йиғилишида қатнашишлари мумкин.
- 3.10. Жамиятнинг бошқарув аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш ва акциядорлар умумий йиғилиши ёки Жамият кузатув кенгаши томонидан қарорлар қабул қилиш шахсий тартибда амалга оширилади.
- 3.11. Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Бошқарув аъзоларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги қарор кузатув кенгаши томонидан оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

3.12. Бошқарув раиси ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин Бошқарув раиси ва бошқарувнинг ҳар бир аъзоси билан меҳнат шартномаси тузилади.

3.13. Жамият Бошқарув раисининг, жамият бошқаруви аъзоларининг, ишончли бошқарувчининг хуқук ва мажбуриятлари тегишинча Қонун ва бошқа қонунчилик хужжатларида, жамият Уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан уч йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади.

Шартнома Жамият номидан кузатув кенгаши раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамият Бошқаруви раиси билан тузилган шартномада Жамиятнинг самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ва Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажарилиш жараёни тўғрисида Жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобот бериш даврийлиги бўлиши керак.

3.14. Бошқарув аъзолари иш тавсифи, улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартлари, акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорлари, Бошқарув қарорлари ва Бошқарув раисининг буйруқлари, кўрсатмалари билан белгиланган ваколат доирасида ҳаракат қиласидар.

3.15. Жамиятнинг кузатув кенгаши, Жамият Уставини қўпол равишда бузган ёки ўз хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Жамиятга заар етказган ёки Жамиятнинг йиллик бизнес-режасининг тасдиқланган параметрларини бажармаган тақдирда, Жамият кузатув кенгаши раиси ва Бошқарув аъзолари билан шартномани муддатидан олдин тўхтатишга (бекор қилишга) ҳақлидир.

Жамият кузатув кенгаши, Уставга мувофиқ, агар улар шартнома шартларини бузса, Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзолари билан шартномани бекор қилишга ҳақлидир.

Агар акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамият Бошқаруви раисининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қиласа, Бошқарув раиси ваколатларини бошқа шахсларга ўтказиш масаласи шу йиғилишда ҳал қилиниши ёки Бошқарув раиси вазифасини бажарувчи тайинланиши билан акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида кўрибчиқилиши учун қолдирилиши мумкин.

Жамиятнинг кузатув кенгаши Жамиятнинг Бошқарув раиси ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қиласа, Бошқарув раиси вазифасини бажарувчини тайинлаш тўғрисида қарор қабул қиласиди, шунингдек Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида қарор қабул қилиш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиради.

Агар кузатув кенгаши Жамият бошқаруви аъзосининг ваколатларини тугатиштўғрисида қарор қабул қиласа, Жамият бошқаруви аъзосининг ваколатларини бошқа шахсларга ўтказиш масаласи шу йиғилишда ҳал қилиниши ёки кейинги йиғилишда бошқарувнинг вақтинча ишлайдиган аъзоси тайинланиши билан ҳал қилиниши мумкин.

IV. БОШҚАРУВНИНГ ИШ ТАРТИБИ

4.1. Бошқарув йиғилишлари Бошқарув раиси томонидан ташкил этилади, у бошқарув йиғилишининг баённомаларини ва Жамият номидан барча ҳужжатларни имзолайди, ўз ваколати доирасида қабул қилинган бошқарув қарорларига мувофиқ Жамият номидан ишончномасиз ишлайди.

4.2. Бошқарув йиғилишлари заруратга қараб, лекин ойига камида 1 (бир) марта

ўтказилади.

Бошқарув мажлисини ўтказиш учун кворум бошқарувнинг сайланган аъзолари умумий сонининг камидаги 50 фойзини ташкил қилиши керак.

4.3. Кузатув кенгаши ёки акциядорлар умумий йиғилиши қарорига биноан бошқарув томонидан тақдим этилган масалалар бошқарув йиғилишида олдиндан кўриб чиқилиши шарт.

4.4. Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамият бошқарувининг нуқтаи назари Бошқарув раиси ёки Бошқарувнинг ваколатли аъзоси томонидан ҳимоя қилинади.

4.5. Бошқарув йиғилишларини Бошқарув раиси ёки унинг ўринбосарларидан бири кўриб чиқилаётган масалаларга боғлиқлигига қараб бошқаради.

4.6. Бошқарув йиғилишларида қарорлар ҳозир бўлган бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

4.7. Бошқарув йиғилишида қўйидагилар ёзилган баённома юритилади:

- йиғилиш санаси, жойи ва вақти;
- йиғилишда қатнашган бошқарув аъзоларининг рўйхати;
- йиғилиш кун тартиби;
- овозга қўйилган масалалар ва уларда овоз бериш натижалари (йиғилишда қатнашган бошқарув аъзоларининг ҳар бирининг овоз бериш натижалари кўрсатилган ҳолда);
- қабул қилинган қарорлар.

4.8. Бошқарув йиғилиши баённомасидан кўчирмалар:

- уларнинг илтимосига биноан кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясининг аъзоларига берилади;
- бошқа ходимлар ва аудиторлик ташкилотининг сўровига биноан фақат Бошқарув раисининг рухсати билан берилади;
- амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахслар ва органларга (шу жумладан давлат органларига) берилади.

4.9. Бошқарув йиғилиши баённомаси расмийлаштирилиб, йиғилишда қатнашган бошқарувнинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

4.10. Бошқарув йиғилишлари баённомалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жамиятда сақланади.

V. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Бошқарув раиси қўйидаги ҳуқукларга эга:

- ўз фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича мустақил равишда қарорлар қабул қилиш;
- Жамият номидан ишончномасиз ҳаракат қилиш, бошқа ташкилотлар ва идоралар билан муносабатларда унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;
- Назорат қилувчи органнинг рухсати билан унинг ишида маслаҳат овози билан қатнашиш;
- Жамият фаолиятига ва эришилган асосий параметрларга мос келадиган ҳақ олиш.

5.2. Бошқарув раиси шунга қонунчиликка мувофиқ бошқа хуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

5.3. Бошқарув раисининг мажбуриятлари қўйидагилардан иборат:

- Жамият манфаатларида мувофиқ иш кўриш;
- Жамият билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариш;
- акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини назорат қилиш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасининг асосий қўрсаткичлари ва параметрлари бажарилишини таъминлаш;
- Жамиятнинг кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилиши олдида ҳисобот бериш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида қатнашиш, дивидендларни ҳисоблаш ва тўлаш бўйича барча хуқуқларга риоя этилишини назорат қилиш;
- Конунда белгиланган тартибда Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ошкор қилинмаслигини назорат қилиш;
- Жамиятнинг кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва Жамият аудиторининг талабига биноан Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар тақдим этилишини таъминлаш;
- Бошқарув йиғилишларини ташкил этиш;
- Жамият таркибидаги ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни таъминлаш;
- Жамиятнинг шартномавий мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш;
- бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш, унинг ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тақдим этиш устидан назоратни амалга ошириш;
- давлат статистика ва бухгалтерия ҳисоботларининг тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилиши устидан назоратни амалга ошириш;
- Жамиятнинг тижорат сири бўлган маълумотларнинг сақланишини таъминлаш;
- Жамият фаолияти тўғрисидаги маҳфий маълумотларни ошкор қилмаслик;
- Жамият ходимларининг билимлари, малакалари, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланишда Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлаш чораларини кўриш;
- конун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат муносабатларига оид масалаларни ҳал этиш;
- Жамият фаолиятида конун ҳужжатлари, хусусан Устав, “Бошқарув тўғрисида”ги Низом ва бошқа ички ҳужжатлар талабларига риоя қилиш.

Бошқарув раиси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

Бошқарув раиси бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида Жамиятнинг кузатув кенгашининг рухсатисиз иштирок этиш хуқуқига эга эмас.

5.4. Бошқарув раисининг аниқ хуқуқлари ва мажбуриятлари у билан меҳнат шартномасида келишиб олинади.

5.5. Бошқарув аъзолари қўйидаги хуқуқларга эга:

- Жамият бошқаруви йиғилишларида шахсан иштирок этиш, йиғилишда муҳокама қилинган ҳар қандай масала бўйича гапириш;
- ўз вазифаларини бажариш учун Жамият фаолиятига тегишли ҳужжатлар билан танишиш;
- Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини аниқлаш бўйича таклифлар киритиш;
 - Жамиятнинг уставига ўзгартеришлар ва / ёки қўшимчалар киритиш, Жамиятнинг ички хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш;
 - ҳақ ва мукофот олиш;
- Бошқарув аъзолари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа хукукларга ҳам эгабўлишлари мумкин.

5.6. Бошқарув аъзоларининг мажбуриятлари қуидагилардан иборат:

- манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, Жамият манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилиш;
- манфаатлар тўқнашуви тўғрисида кузатув кенгашини хабардор қилиш;
- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларида иштирок этиш;
- ўз вазифаларини профессионал даражада бажариш, қонун хужжатларидан, Жамият Уставидан ва бошқарув органларининг қарорларидан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни оқилона бажариш;
- ўқув курсларида, семинарларда ва бошқа тадбирларда қатнашиш орқали малака ошириш;
- улар билан тузилган меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз мажбуриятларини лозим даражада бажариш;
- ҳар ойда бошқарув йигилишларида ўзларига берилган масалалар бўйича ишларнинг ҳолати тўғрисида маълумот тайёрлаш;
- Жамият фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотларни ошкор қиласлик;
- Жамиятнинг тижорат сири бўлган маълумотларнинг сақланишини таъминлаш.

Бошқарув аъзолари қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

5.7. Бошқарув аъзоларининг аниқ хукуqlari ва мажбуриятлари улар билан тузилган меҳнат шартномасида кўрсатилган бўлади.

5.8. Бошқарув раиси ва аъзолари Жамиятнинг аффиллашган шахслари ҳисобланади.

Агар бошқарув аъзоси Жамият томонидан тузилган битимда шўъба корхонаси бўлса, у ёзма хабар юбориш орқали Жамият томонидан таклиф этилаётган битим тўғрисидаги маълумотларни, шу жумладан битим тарафлари, битим предмети, тегишли шартноманинг муҳим шартлари тўғрисидаги маълумотларни батафсил кўрсатган ҳолда ўз улуши тўғрисида Жамиятни хабардор қилиши шарт.

5.9. Бошқарув аъзолари ўзларининг шахсий манфаатларига мувофиқ бошқарув томонидан айrim қарорларни қабул қилишга бевосита ёки билвосита таъсир ўтказишга ҳақли эмаслар.

5.10. Бошқарув аъзолари шахсий бойитиш учун Жамият имкониятларидан (мулкий ёки номулкий хукуклар, иқтисодий фаолият соҳасидаги имкониятлар, Жамият фаолияти ва режалари тўғрисидаги маълумотлар) фойдаланишга ҳақли эмаслар.

VI. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Ўз хукукларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажариш чогида

Жамият бошқаруви аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилишлари керак.

6.2. Бошқарув раиси ва аъзолари қонун хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Агар бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг Жамият олдида биргаликда жавобгар бўладилар.

6.3. Овоз беришда қатнашмаган ёки Жамиятга зарар етказган қарорга қарши овоз берган Жамият бошқарувининг аъзолари жавобгар бўлмайди.

6.4. Ҳеч бўлмаганда Жамиятнинг жойлаштирилган акцияларининг 1 (бир) фоизига эгалик қиласидаган Жамият ёки акциядорлар (акциядор) кузатув кенгashi аъзоси, Жамият Бошқаруви раиси ёки аъзоси томонидан Жамиятга етказилган зарарни қоплаш учун даъво кўзғаш хуқуқига эга.

6.5. Раис ва бошқарув аъзолари Жамият томонидан тузилган битимларга алоқадорлиги тўғрисидаги маълумотларни яшириш учун жавобгардир.

6.6. Бошқарув аъзолари ўзларининг мансаб мавқеида берилган хуқуқлардан, улар меҳнат ёки оилавий муносабатлардаги юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадлари ва манфаатлари учун фойдаланмайдилар.

6.7. Бошқарув аъзолари Жамиятнинг мулкини тасарруф этишдан шахсий манфаатлар олиш учун ҳаракатларга йўл қўймасликлари керак.

6.8. Бошқарув аъзолари Жамият олдида ўз мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида етказилган зарар учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

VII. БОШҚАРУВ АЪЗОЛАРИГА ҲАҚ ТЎЛАШ

7.1. Ўз вазифаларини бажариш пайтида Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларига Жамиятнинг ҳисбот йилидаги фаолияти натижалари бўйича ҳақ тўланиши мумкин.

7.2. Бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларига ҳақлар акциядорлар умумий йиғилишининг қарори ва кузатув кенгашининг тавсияси билан тўланади.

7.3. Бошқарув раиси ва Бошқарув аъзоларига ҳақлар ҳисбот йилидаги Жамиятнинг соғ фойдаси ҳисобидан тўланади.

VIII. АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ

8.1 Акциядорларнинг умумий йиғилишида Жамият бошқаруви аъзоларига тўланадиган ҳақлар ва компенсациялар микдори ошкор қилинади.

8.2. Ижроия органининг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар Жамиятнинг корпоратив веб-сайтида жойлаштирилади, шу жумладан:

- Жамият Бошқарувининг таркиби;

- Жамиятнинг бошқаруви томонидан унинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича қабул қилинган қарорлар, тижорат сирлари ва Жамиятнинг бошқа маълумотлари бундан мустасно;
- Жамият Бошқарувининг Жамиятнинг қузатув кенгашига ҳисоботлари;
- Жамият Бошқаруви фаолиятини баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар;
- Бошқарув томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ва Жамиятга кирувчи корхоналарнинг ўз бизнес-режалари билан тасдиқланган қўрсаткичларига эришиш даражаси;
- қонун хужжатларининг талабларига мувофиқ бошқа маълумотлар.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Ушбу Низом акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

9.2. Ушбу Низом амалдаги қонунчилик ва Жамият Уставидаги ўзгаришлар муносабати билан ўзgartирилиши ва (ёки) тўлдирилиши мумкин.

9.3. Ушбу Низомга киритилган ўзгаришлар ва (ёки) қўшимчалар улар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланганидан кейин кучга киради.